



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 27 сентябрь, № 210 (8272)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни электротехника саноатидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Саноатда амалга оширилаётган модернизация натижасида электротехника тармоғи ҳам ўзгарди. Охириги беш йилда ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 баравар ўсган. Бу маҳсулотларнинг сифати ошганини, харидорғирлигини билдиради.

Шу туфайли экспорт ҳам 5 баравар кўпайган. Йил якунигача бу кўрсаткич 750 миллион доллардан ошиши kutil-моқда. 2017 йилда мазкур тармоқда экспортбоп маҳсулотларимиз 25 та бўлган бўлса, бу йил 200 тага етган. Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги 11 та корхона илк бор ташқи бозорга чиққан.

Йиғилишда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси М. Юнусов тармоқдаги галдаги ишлар, келгуси йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ҳақида ахборот берди. Айтиб ўтилганидек, бугунги кунда 1 мил-

лиард 200 миллион долларлик 205 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Янги маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш, 2023 йилда экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, тармоқдаги устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди.

— Маиший техника ишлаб чиқариш кўпайди дегани, бу — аҳолининг сотиб олувчанлик қобилияти ўсди, дегани. Охириги йилларда электротехника саноатимиз “қайта туғилди”. Энди уни янада ривожлантириб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, юқори қўшилган қиймат яратиш керак. Пировард мақсад — иш ўрни, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тахлилларга кўра, жаҳон бозорларидаги вазият икки йилда экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунингдек,

юртимизда 1 миллиард 300 миллион долларлик импорт бозори бор. Бу имкониятлардан муносиб улуш олиш учун маҳсулот, аввало, сифатли ва таниқли бўлиши керак.

Шу боис Президентимиз янги маҳаллий брендлар яратиш ва хорижий брендларни олиб келиш, маҳсулотларни шунга мувофиқ сифатли қилиб, харидорлар ишончини қозониш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда ва атрофимиздаги бозорларда ярим-ўтказгич ва электрон платаларига талаб 6 миллиард долларга йўналишда илмий, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш вазифаси белгиланди. Маиший техникаларни маркировкалаш, экспортни суғурта-

лаш ва кредитлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маиший техника бор экан, сервис хизматиға талаб ҳар доим бўлади. Касб-ҳунар мактабларида ёшларни бу йўналишга ўқитиш уларни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 сентябрдаги Фармониға мувофиқ, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш бўйича дастур қабул қилинди. Унда 34 мингта хонадон, вазирилик ва идораларнинг 6 мингта объектида шундай қурилмалар ўрнатилиши белгиланди. Аҳолиға компенсация олиш, кредитни 3 йил ичида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилди.

Истеъмолчиларға муқобил энергия қурилмаларини етказиб бериш мақсадида Қашқадарёда кластер усулида кор-

хона барпо этиш режалаштирилган. Йиғилишда ушбу лойиҳанинг бориши ҳақида ахборот берилди.

Маълумки, электротехника тармоғи мис билан боғлиқ. Сўнгги йилларда янги конлар ўзлаштирилиб, бу хомашёнинг захираси кенгайтирилди. Охангарон тумани ва Қарши шаҳрида мис кластерлари ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу корхоналарда хорижий бошқарувни йўлга қўйиб, чуқур қайта ишлаш лойиҳалари, илм ва инновацияни олиб кириш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йил бу йўналишда юқори қўшилган қиймат яратадиган 34 та лойиҳа ишға туширилиши қайд этилди.

Йиғилишда ҳокимлар ва тадбиркорларнинг тақлифлари эшитилди.

ЎзА.

Дунё нигоҳи

ЎЗАРО МАНФААТЛИ, ОЧИҚ ВА ПРАГМАТИК

Ўзбекистон делегациясининг АҚШға ташрифи самарали бўлгани хусусида.

2022 йилнинг 19 — 25 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 77-сессиясининг умумий мунозараларида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрида бўлди.



Ташрифнинг биринчи кунид

да БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашув бўлиб ўтди. БМТ раҳбари Ўзбекистон ва глобал ташкилот ўртасидаги жадал кенгайиб бораётган ҳамкорликни олқишлади. “Ўзбекистон тинчлик, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари масалаларидан тортиб, иқлим ва барқарор ривожланишгача бўлган барча соҳадаги ишончли ҳамкорлигимиздир. Мамлакатингиз БМТнинг кўп томонлама кун тартибини илгари суришда етакчи ўринни

эгаллайди”, деди А. Гутерриш.

Нью-Йорк шаҳрида БМТ тизимига кирувчи турли муассасалар раҳбарлари билан ҳам музокаралар олиб борилди.

Хусусан, Бош котиб ўринбосари, БМТнинг аксиптерор бошқармаси бошлиғи Владимир Воронков билан учрашувда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар, республиканинг халқаро ва минтақавий ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди.



Фракцияларда

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ниятда кизгин кечди.

Ушбу ҳужжат билан интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш жараёنларида ортиқча қозғоғозлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида товар белгиси, товар ке-

либ чиққан жой номи ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги ғувоҳномаларни бериш муддатини 10 кундан бир кунга, яъни объект муайян давлат реестрларида рўйхатга олинган куннинг ўзига тегишли ғувоҳнома электрон шаклда QR-код билан тасдиқлаган ҳолда берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиғи бўлган шахсларга давлат хизматларидан фойдаланишда 50 фоизлик чегирма қўлланилиши ҳақидаги қоида мустақамланган.



Анжуман

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг II мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида ушбу Кенгашга аъзо бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон миллий касаба уюшмалари марказлари раислари ҳамда вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнатқашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) Европа ва Марказий Осиё сектори мудир Сергей Гловацкас, Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг янги мустақил давлатлардаги дастурлари координатори Анна Сальникова, Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Эмиль Кизаев, Мўғулистон касаба уюшмалари конфедера-

цияси президенти Эрдэнэбат Сухбаатар раҳбарлигидаги делегациялар вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг худудий кенгашлари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Нуфузли анжуманга Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши Бош котиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов раислик қилди.



КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТЛАР

бир мақсад йўлида бирлашган давлатларнинг
ижтимоий-иқтисодий ривожини, фаровонлигига хизмат қилади

Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон раислигида бўлиб ўтган олий даражадаги ШХТ саммитида ижтимоий-гуманитар, савдо-сотиқ, иқтисодий ва “рақамли” дунё борасида илгари сурилган истиқболли тақлифларни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасидаги амалий музокаралар асосида ўзаро манфаатли битимлар тузилди, қўллаб қарорлар қабул қилинди, муҳим ҳужжатлар имзоланди. Иқтисодиёт, транспорт ва илм-фан жабҳаларида янги уфқлар очилди.

Акс садо

Саммитда иштирок этган Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон ва эндиликда аъзо бўлаётган Эрон каби давлат раҳбарларининг учрашуви бутун жаҳон ҳамжамияти, минтақадаги сиёсий доиралар эътибор марказида бўлди.

Статистик маълумотларга кўра, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига тайёргарлик бошлангандан бери жаҳон оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ушбу анжуман ҳақидаги маълумотларни 340 миллиондан ортиқ фой-

даланувчилар кузатган. Хусусан, 2022 йил 1 сентябрдан 18 сентябрга қадар 6 та тилда саммит тадбирларига доир 51 мингдан кўп постлар қолдирилган. Ушбу рақамлар ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити дунёнинг диққат марказида бўлганидан далолатдир.

Қайта тикланган Буюк Ипак йўли

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нисбатан ёш платформа бўлишига қарама-дан қисқа вақт ичида ўзининг жиқлиги,

минг йиллик Буюк Ипак йўлидаги савдо-иқтисодий маконни тиклагани, географик ва этнографик жиҳатдан манфаатлари муштараклиги, ҳар қандай муаммоға фақат тинчлик йўли орқали оқилона ечим топиши билан эътибор қозонди.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг иқтисодий институционал ривожланишини қўллаб-қувватлаб, истиқболли ғояларини тарғиб қилиб келмоқда. Ўтган даврда иқтисодий алоқаларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари стратегик даражаға кўтарилиб, 2017 йилда товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этган. Мамлакатимизда Хитой ҳамкорлигида саноат, юқори технологиялар, нефть-газ, кимё, транспорт ва логистика, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиғи каби соҳаларда 700 дан зиёд саноат ишлаб чиқариш корхоналари ишға туширилган.



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



ЎҚИТУВЧИ, МУАЛЛИМ, УСТОЗ-МУРАББИЙ...

Бу ҳар бир киши учун дилға яқин, қалбға тафти берадиган сўзлар. Ҳали мурғак, навниҳол болажонлар мактаб оstonасига қадам босиб, қўлларига қалам ушлаганида ўз фарзандидек ардоқлағувчи муаллим унинг суянчиги, зиёкори бўлади. Ўқитувчи ташаббускор, янгиликка интилувчи, ижод ва изланишни ҳаётининг мазмунига айлантирган, ўз ишини севувчи, ўқувчиларда билимға ҳавас уйғотувчи, ўз ортидан эргаштирувчи ва энг асосийси, ҳаётға илк йўлланмани берувчи шахс ҳисобланади.

Экспертларнинг фикрича, ҳар қандай мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги тутган ўрни фуқароларининг маънавий етуқлиғи, интеллектуал салоҳияти билан ҳам белгиланади. Бу эса бевосита қўлимизға қалам тутқазган, ҳаёт дарсидан сабоқ берган машаққатли касб фидойилари — ўқитувчи ва мураббийлар зиммасидаги вазифа.

БУЮК ҚАЛБ ВА ЖАСОРАТ ЭГАСИ

Устоз — билим билан бирға чин инсонийлик дарсини берувчи зот. У бутун умр шогирди ҳаёли билан яшайди, улар ҳақида қайғуради. Фан оламиға ўқувчиларини бошлаб боради. Мурғак тафаккурларда китоблардаги олам тасвири чизилади, шаклланади, улғаяди. Шу боис очилган китоб, дуоға очилган қўлдек доим



ЁШЛАРИМИЗНИ НОСОҒЛОМ МАФКУРАЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ташаббуси билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити якунларига бағишланган “Ёшларда носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбати

Унда сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари вакиллари, мутасадди вазирилари ва идоралар масъуллари, сиёсатшунос олимлар, ёшлар етакчилари ва ОАВ ходимлари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг ШХТга раислик қилган давр мазмундорлиги ва натижаларга бойлиги билан аҳамиятли бўлгани, давлатимиз ташаббуслари ташкилотнинг халқаро нуфуз ва салоҳиятини юксалтиришга, кўп томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ШХТнинг ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги шериклиқни янада кенгайтириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик, барқарорлиқни таъминлашда ушбу тузилманинг ўрни масалаларида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз навбатида, Самарқанд саммитида эксперт сифатида иштирок этган Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори Сайфиддин Жўраев ёшларга тадбир якунлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини етказди ҳамда уларнинг бу борадаги саволларига батафсил жавоб берди.

Шунингдек, тадбирда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиқлари вакиллари томонидан Президентимизнинг саммитида илгари сурган

Сенатор ва ҳаёт ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА МАМЛАКАТ РИВОЖИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Ботир Матмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасининг Бериуний туманида бўлди.

Халқ депутатлари Бериуний тумани Кенгаши депутатлари, секторлар раҳбарлари, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда дастлаб Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг тарихий аҳамияти тусида сўз юритилди.

Шундан сўнг Сенатнинг ўттиз иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан 13 та масала, жумладан, 5 та қонун муҳокама қилинганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Қайд этилганидек, жамият тараққиёти ва мамлакат ривож қонун устуворлиги билан кафолатланади. Ҳар қандай глобал шароитда, ҳар қандай вазиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорлиқни сақлаб қолиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёш авлод таълим-тарбиясига жид-

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Таъкидланганидек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ўзаро алоқаларини ривожлантириш борасидаги сайъ-ҳаракатлари минтақа мамлакатлари касаба уюшмаларининг дўстона ришталарини янада мустаҳкамлаш ва асосий вазибаларини амалга оширишда тажриба алмашиш ишларини тамомилан янги босқичга олиб чиқди.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ходимларининг ижтимоий-меҳнат, касбий, иқтисодий ва бошқа қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини, касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоялаш, касаба уюшмаларининг халқаро бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича иштирокчи мамлакатлар касаба уюшмалари ҳаракатларини бирлашти-

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар берилган ҳолда, ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда депутатлар кун тартибига киритилган навбатдаги ҳужжат — “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда атроф-лича муҳокама қилиб, унинг бугунги кундаги аҳамияти ва заруратини ҳисобга олиб, ушбу ҳужжатни маъқуллади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини соддалаштиришга, жиноятларни дарҳол қоши етишишни таъминлашга, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўйбга чиқариш-

ИПОТЕКА КРЕДИТИ АЖРАТИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

Ҳар бир инсон ўз уйига эга бўлсагина ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди, оиласида хотиржамлик, ишда унум бўлади. Зеро, уй-жой инсон ҳаётининг узвий ва ажралмас бир қисми бўлиб, у жамиятда эркин ҳаёт кечиришининг гаровидир.

Муносабат

Кейинги йилларда юртимизда одамларни энг кўп ташвишга солаётган уй-жой масаласи давлат сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида белгилангани сабаби ҳам шунда. Чунки уйи бор одамнинг ўйи бўлмағиди, кўнгли тўқ бўлади. Шу боис мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида қатор Фармон ва қарорлар имзоланди. Шунингдек, аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой учун ипотека кредитлари, субсидиялар ажратилмоқда.

Аммо кейинги пайтда қурилаётган арзон уй-жойларнинг нархи кескин ошиб кетгани туфайли нафақат биринчи тўлов, балки олинган кредит миқдори ҳам ортапти. Табиийки,

ган фоизларни тўлаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинган даромад солиғига тортилмайд.

Аҳамиятлиси, ушбу қарорда қўзда тутилган имтиёз қарз олувчи ва бирга қарз олувчилар даромадининг бир солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг саксон бараваридан ошмаган қисмига татбиқ этилади.

2022 йил 1 ноябрдан бошлаб, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз қурилган уйлارдаги квартираларни бирламчи уй-жой бозориди сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашга рухсат берилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирил Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари йил якунига қадар уй-жойларни сотиб олиш ва

қўшимча қоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқди.

Йиғилишда айтилганидек, ушбу ҳужжат билан судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш, жумладан, судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни бу судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тўғатишни таққулаш, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни қўриб чиқиш масаласи тегишли судга ўтказилиши белгиланаётди.

Депутатлар қонун лойиҳаси давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб, уни маъқуллади.

Ўзбекистон Экологик партияси

“Халқ сўзи”.

Ўрганиш ФАРҒОНАДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

19 — 24 сентябрь кунлари Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи томонидан Фарғона вилоятида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда тадбиркорлиқни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Мазкур ўрганиш натижалари вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакили органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси, ишчи гуруҳи раҳбари Толибжон Мадумаров ҳамда сенатор ва депутатлар, вилоят ҳокими ўринбосарлари, котибият ва бўлим бошлиқлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида атрофида муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳ ҳисоботида қўра, вилоятда инвестиция маблағларини жалб этиш ва инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳамда тадбиркорлиқни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини ошириш борасида салмоқли ишлар рўйбга чиқарилган. Масалан, ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар миқдори бўйича республикада 2-ўринни эгаллаб келаётган Фарғона вилояти йилга ўртача 50 фоизлик ўсиш суръати-га эришмоқда.

Вилоятда айни пайтда рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 568 тани ташкил этади. Дунёнинг энг нуфузли “S&P

КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ ВА ТЕКСТИЛЬ ФАБРИКАСИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Сурхондарё вилоятида ўрганишлар олиб бораётган Сенат ишчи гуруҳи ташаббуси билан Жарқўрғон туманида ўзаро ҳамкорлик, бўш иш ўринлари, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, касб-ҳунар мактаби битирувчиларини ўз соҳалари бўйича иш билан таъминлашга йўналтирилган учрашув ташкил этилди.

Ўчрашув

Мулоқотда тумандаги 2-касб-ҳунар мактаби ходимлари, 90 нафар битирувчиси ҳамда “Savdoenergo” АЖга қаршили ушбу ҳудудда joyлашган текстиль фабрикаси вакиллари иштирок этди.

Учрашув давомида Олий Мажлис Сенати томонидан бизнес-тренинг ташкил қилинди. Натижада ушбу касб-ҳунар мактаби ва текстиль фабрикаси ўртасида

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Беларусь терма жамоаларидан 200 нафарга яқин спортчилар иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон Республикаси мудофеасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти спортчиларидан иборат миллий терма жамоа мамлакатимиз шашини муносиб ҳисоб қилди. Шиддатли ва муросасиз кечган ушбу бешлашувда спортчилар ўзла томонидан яратилган ракета моделлари ва уларнинг очик осмонда нечоғли парвоз қилиш имкониятларига эга эканлигини намён этилар.

Ўзбекистон Республикаси мудофеасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти матбуот хизмати томонидан маъ-

“Халқ сўзи”.

Давлат ижтимоий хизматини рақамлаштириш: ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИГАН ЖИҲАТЛАР МАВЖУД

Юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган қўламдор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган Президент Фармон ва қарорлари аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётди.

Таҳлил

Хўш, бугунги кунда жойларда ушбу ҳужжатлар ихроси қай даражада таъминланаяпти? Худудларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари идоралараро ахборот алмашинуви интеграциясини амалга оширишда белгиланган вазибаларни ўз вақтида бажара олаётимиз?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзолари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек, аҳолининг заиф қатламларига давлат ижтимоий хизматлари ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини жорий этиш ишлари Сирдарё вилояти мисолида назорат-таҳлил фаолияти тартибиде ўрганилди.

Кам таъминланган оилаларга нафақа ва моддий ёрдамни инсон омилисиз “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали белгиланган айнан тажриба

сифатида 2019 йилнинг 1 октябрида Сирдарё вилоятида бошланган эти. Олиб боришдан сайъ-ҳаракатлар натижасида ушбу ахборот тизимига 16 та вазирилик ва идоранинг ахборот тизимларидан 52 турдаги маълумотлар электрон қўринишда олинмоқда. Бу, ўз навбатида, бюрократияни бартараф этиб, инсонларни сарсонгарчиликдан халос қилаётди.

Депутатлар ўрганишлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими фойдаланувчиси — Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамағармаси Сирдарё вилояти бошқармасидан бошланиди. Ўрганиш давомида мазкур ахборот тизими ҳамда манфаатдор вазирилик ва идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Боевўт туманидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, Давлат хизматлари маркази, бюджетдан ташқари Пенсия

“Халқ сўзи”.

«ВАТАНПАРВАР» СПОРТЧИЛАРИ «БАЙҚОНУР КУБОГИ – 2022»ДА ҒОЛИБЛИККА ЭРИШДИ

Шу йилнинг 16 — 23 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикасининг Байқонур шаҳрида ракетамодел спорт бийича “Байқонур кубоги — 2022” халқаро спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Фахр

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Беларусь терма жамоаларидан 200 нафарга яқин спортчилар иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон Республикаси мудофеасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти спортчиларидан иборат миллий терма жамоа мамлакатимиз шашини муносиб ҳисоб қилди. Шиддатли ва муросасиз кечган ушбу бешлашувда спортчилар ўзла томонидан яратилган ракета моделлари ва уларнинг очик осмонда нечоғли парвоз қилиш имкониятларига эга эканлигини намён этилар.

Ўзбекистон Республикаси мудофеасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти матбуот хизмати томонидан маъ-

лум қилинишча, мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни қўлга кири-тиб, нафақат ҳамюртларимизнинг, балки тадбирини қизичи билан кузатиб борган бун-тун дунё ракетамодел спорт иқтисомдорларининг ҳам ол-қишга сазовор бўлди.

Шунингдек, каттаб ўқувчиларининг доимий рақишида “Dual” таълим тизими бўйича амалиётни шу фабрикада ўта-шига, яъни ишлашига кели-шиб олинди.

“Халқ сўзи”.

Чин устоз ўқувчини фан ва китоб хайратларига ошуфта этади. Яхши китоблар саҳифалари қатидан одамлар тийнатиани аниқ кўрсатадиган, бу — устоз. Уларнинг дарслари эвазига фан чўққилари кўзга ташланади.

Таълим бериш устоз учун чинакам бахт. Устозлик қисматини парвардигор чин инсонларнинг манглайга битган бўлади.

Устоз — буюк жасорат эгаси. Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнида, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётди — замон бетиним эврилишда. Вақтни тутиб қолиш мумкин эмас. Вақтдан ташқарида яшаш, унинг дарс ўтган онларидир. Бу унинг энг бахтли дамлари. Бу бахтга эса барча инсонлар мушарраф бўла олмайд.

Устоз — халқ орзусидаги инсон. У миллат тарбиячиси. Миллатнинг устозлари бой берилган юрт таназзулга учрайди. Бу тарих саҳнасида доим юз кўрсатган.

Устоз — инсон фикрати яратган маънавий меросни ажодлардан авлодларга, ўтмишдан бизга, бугундан келажакка етказувчи инсон. Муаллимнинг қўлига тушган толиб гўдакдек гап. Унинг тетапога бўлиши, ҳаётга қандай нигоҳ билан боқиши, сўзга кириши фақатгина устозга боғлиқ.

...Гоҳида ўқитувчиларнинг ёшлар тарбияси бузилиб бораётганидан нолишлари кулогимизга чалинади. Жамиятдаги инсонларнинг одоб-ахлоқи, тутган ўрни, қилар иши аслида устозлар берган мева-лардир. Таъбир жоиз бўлса, фан бир жан-да чопондай бир бурчакка ташланса, ёшлар тарбияси бузилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин энг қолоқ мамлакатга айланган Япония ўн йил-да ўзини тиклади. Японлар шундай мак-таблар қурган эдики, улар мамлакатдаги энг гўзал қононалардан қолишмасди, ёшлар бозорга эмас, мактабга интилар-ди. Ўша мактабларни битирганлар билим аталмиш қўлидаги кичик калит билан кат-та сандиқларни очди — бугунги Японияни яратди.

Чин устоз сўзларида куёш балқийди: шогирдлари куёш нурларин остида тизгин узиб кетган тулпор мисоли бўлади.

Устоз доим савол остида яшайдиган инсон. Дунёнинг саволлари кўп, аммо ҳамиша ҳар қандай шогирддан сўралади-ган бир савол туради: “Устозинг ким?” Кафаннинг ҳам, зар тўннинг ҳам игниси битта бўлганидек, шогирднинг ҳаёт даво-мида эришган ютуқлари, эгаллаган пого-наси дастлаб харфни танитган устозга бо-риб тақалади.

Устози йўқ одам йўлини йўқотган ба-сир кабилар: унга даладар, боғу роғлар, адирлар, кўчалар файзсиз. Дарактлар ба-хори йўқдай, дунё гулсиз бир манзил, ден-гизлар маъжиси, қўшлар қанотсиз, осмон-лар юлдузсиз туюлади.

Кишининг устози бўлса, зулматда қолса ҳам кечалар юлдузларини соча бошлайди. Ақл машъали осмон қаърини ёритади. Йўллар қумуш мисол ялтиллади. Бу йўлларга антикиб, кўркак қафасидаги бир тулпор фикр билан менгзаниб тушовини узишга тайёр бўлади. Тўёқлари зарбидан чуқур излар қолади. Бу излардан йўлсиз-лар йўл топади, йўл излайди. Ортидан ке-ладиганларга янги йўл солинади.

Устоз шогирдига умрини ҳовчулаб бе-ради, ёшлигини бахш этади, меҳрини тў-фа қилади. У устози қаноти остида доим масрур яшайди. Оёқлари ботаётган кун-дан чиқади. Боши осмон, айтар сўзи омон бўлади. Фалакка қўл чўзса, осмондаги ой онаси ёпган нондай қўлига узилиб тушади...

Жамиятни олға силжитадиган локомотив

Халқимизда “Устоз отангдан улус” де-ган, асрлар давомида сайқал топган ма-қол бор. Орамизда “Менинг отам улус, устоз ундан кейин туради”, деган гумроҳ-лар ҳам учрайди. Улар мақолни ўзгари-ришга ҳаракат қилишади. Бунга профес-сор Мамаюнус Пардаевнинг фарди билан жавоб берса бўлади:

*Самодан заманиа туширди падар,
Устоз юксалтирди осмонга қадар.*

Устозга бундан ортиқроқ таъриф, ма-қолни бузганларга бундан-да мукамал-роқ жавоб йўқ.

Имом Ғаззолини: “Агар сен мутааллим (илм олувчи бўлсанг), устозинг ҳузурда салом бериш ва киришга изн сўраш, бе-ҳуда гапларни гапирмаслик, руҳсатсиз сўз бошламаслик каби бир қатор одобларга риоя этишинг шарт”, дейди.

Тарихга назар ташласак, донишманд Арасту Искандар Зулқарнайнинг устози бўлган. Давлатни бошқарган ииллари ҳам унинг насиҳатларига амал қилган. Соҳиб-қирон Амир Темур сингари буюк салта-натга эга бўлган подшоҳлар ҳам устоз ҳурмати, устоз хизматига катта эътибор берган.

Ўқитувчилик — бу катта санъат. Бу санъ-атни осонлик билан эгаллаб бўлмайди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўқитув-чилик касби ҳақида шундай ёзади: “*Му-даррис керакки, гарази мансаб бўлмаса, ва билмас илми айтишга уринмаса, ман-манлик учун дарс беришга ҳавас кўргаз-маса ва олғирлик учун гап-сўз ва гавго юргизмаса. Нодонлиқдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадра-са айвони боши унга ўрин бўлмаса. Яра-масликлардан кўркса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фикс ишларни мумкин, балки ҳалол қилса, қилмас ишларни қилмоқ учун содир бўлса ва қилар ишларни қил-маслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тар-қатувчидир*”, дейди.

Ўтган асрнинг бошларида жадид бобо-ларимиз миллатни саводли-маърифатли қилиш учун ўз умрларини бағишлад. Улар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, камба-ғалларнинг фарзандларига таълим-тарбия берди. Улуғ маърифатпарвар педагог,

ган ёш авлоднинг ҳар томонлама мукам-мал таълим олишини таъминлаш орқали-гина олдинги сафларга чиқиш, тараққи-ётга эришиш мумкин.

Ўтмишдан сабоқ ва бугунги саодат

Яширишнинг нима кераги бор, аччиқ бўлса ҳам сабоқ бўлсин учун эсга оламиз: мамлакатимиз таълим тизимидаги жид-дий камчиликлар, қоғозбозлик, бюрократ-ия каби тўсиқлар ўқитувчининг оёқ-қўлини йиллар давомида боғлаб келди. Ўқитувчи-га эътибор сусайди, соҳа ходимлари гўё-ки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айла-ниб қолди. Мактаб ўқитувчилари болаларни ўқитиш ўрнига ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этилди, бу иллат бутун мамлакат бўйлаб чуқур илдиз отди. Яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, ўқувчи-талабалар уч-тўрт ойлаб пахта йи-гим-терими ва чопиққа чиқариларди. На-тижада мактабларда, мантиқий тарзда ўрта

лар тўлаш, уларни рағбатлантириш ме-зонлари кенгайтирилди. Муаллимлар оёғига тушов бўлган аксарият эскирган ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинган. Ўқитувчилар томонидан ёзи-лиши мажбурий қилиб қўйилган узундан-узун кераксиз ҳисоботлар, қоғозбозлик-лар сони кескин камайтирилди. Ўқитувчи-ларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши, уларнинг касбий фаолиятига но-қонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши қатъ-ий белгиланди. Ана шу эътибор сабабли оиласини боқиш илинжида пахсакашлик-ка, мардикорликка ёлланиб кетган эркак ўқитувчилар мактабларга қайтди...

Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мам-лакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим-тарбия ҳисобланади. Бизнинг эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи фарзанд-ларимиз қандай таълим-тарбия олаётга-ни билан боғлиқ, Чунки Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади.

Дунёдаги ривожланган давлатлар, ав-



ЎҚИТУВЧИ, МУАЛЛИМ, УСТОЗ-МУРАББИЙ...



Устоз — халқ орзусидаги инсон. У миллат тарбиячиси. Миллатнинг устозлари бой берилган юрт таназзулга учрайди. Бу тарих саҳнасида доим юз кўрсатган.

Устоз — инсон фикрати яратган маънавий меросни ажодлардан авлодларга, ўтмишдан бизга, бугундан келажакка етказувчи инсон. Муаллимнинг қўлига тушган толиб гўдакдек гап. Унинг тетапога бўлиши, ҳаётга қандай нигоҳ билан боқиши, сўзга кириши фақатгина устозга боғлиқ. ...Чин устоз сўзларида куёш балқийди: шогирдлари куёш нурларин остида тизгин узиб кетган тулпор мисоли бўлади.

Устоз доим савол остида яшайдиган инсон. Дунёнинг саволлари кўп, аммо ҳамиша ҳар қандай шогирддан сўраладиган бир савол туради: “Устозинг ким?”

вало, илм-фан, ёшлар таълим-тарбияси орқали шу даражага кўтарилган. Ана шу омиллар ҳисобга олинган ҳолда кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, туб ислохотлар бошланди.

Янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ўнлаб муҳим Фармон, қарор ва дастур-лар қабул қилинди. Қайтадан тасдиқлан-ган “Таълим тўғрисида”ги Қонунга муво-фиқ, таълим олишнинг масофавий, инк-люзив шакллари жорий этилди. Таълим ташкилотларига хорижий муассасалар би-лан қўшма факультет ва ўқув марказлари очилга рухсат берилди. Шунингдек, ўқув-чиларнинг муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиши, замонавий пе-дагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усул-ларини эркин танлаш ҳуқуқи ва имкония-ти кенгайтирилди.

Ислохотлар меваси ва истиқболдаги вазифалар

Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган юртимиз азалдан юксак ци-вилизация ва маданият ўчоқларидан

ларни ўқиб-ўрганиб, амалий ҳаётга татбиқ этишга бепарво ва эътиборсиз бўлаётганимиз ачинарлидир. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондаридида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир кўлёмалар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Ҳолбу-ки, буюк ажодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий меросини ўрганиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш ҳар қачонги-дан долзарб. Миллий таълим тизими ана шу асосда қайтадан кўриб чиқилиши лозим. Халқимиз, айниқса, ёшлар бу маънавий ҳазинадан баҳраманд бўли-ши уларнинг билим ва маърифатини оширади.

Шу муносабат билан Фанлар ака-демияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият, Инновацион ривожланиш ва-зирликлари, Мусулмонлар идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академия-си, Ўзбекистондаги Ислом цивилиза-цияси маркази буюк мутафаккирлари-мизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини фундаментал асосда нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш, шунингдек, уни ўрганиш ме-тодикасини ишлаб чиқиш, амалда қўллаш чора-тадбирларини кўрмоқда. Бу ҳам таълим тизимида олиб борилаёт-ган ислохотлар меваси.

Бугун мактабгача таълим ва мактаб

таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муасс-асаларга бўлгуси Ренессанснинг тўрт уз-вий халқаси сифатида қаралмоқда. Бог-ча тарбиячиси, мактаб муаллими, про-фессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлилар эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устун, дея таъкидланмоқда.

Ўқитувчиларнинг доимий ва узлуқсиз психологик кўникмаларини ривожланти-риш мақсадида Халқ таълими вазирли-ги қошидаги ҳудудий малака ошириш институтларида синф раҳбарларини тай-ёрлаш бўйича алоҳида ўқув курслари ташкил этилди. Фан-техника шиддат би-лан ривожланаётган бир даврда ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи чуқур билим ва дунёқараш эгаси бўлиши, таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ этиши лозим. Акс ҳолда у ҳаётдан орқада қолади, таълим-тарбиядаги жо-зибадорлик йўқолади. Ўз устида тимим-сиз ишлаб, изланишлар олиб боради-ган устоздан сабоқ олган ўғил-қизлар биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажатини бунёд этишга қодир авлод бўлиб етишади.

Ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш, бўш вақтинги мазмунли ташкил қилишга қаратилган беш муҳим ташаб-бус доирасида ҳам ижобий ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги амалий хара-катларни давом эттириш, мусика ва санъ-ат, ахборот технологиялари ва спорт тўғрақлари фаолиятини янада ривож-лантириш, уларни зарур восита ва жи-ҳозлар билан тўлиқ таъминлаш алоҳида диққат марказида бўлмоғи лозим.

Таълим масканларининг моддий-тех-ника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асо-сида тасмиллаштириш, ўқув дастурла-ри ва стандартларини оптималлаштириш, соҳа ходимларининг иш ҳақини босқич-ма-босқич ошириб бориш, уларнинг ма-шаққатли меҳнатини муносиб тақдирлаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Ўқитувчилик — жуда машаққатли, юк-сак сабр ва матонат талаб қиладиган касб, шу сабабли ҳам унинг ажру саво-би бекиёс.

Ота-она фарзандига кичиклигидан тарбия бериб, уни билим олишга қизиқти-ради, илмнинг қадрига етишга, устозини ҳурмат қилишга ўргатади. Чунки ҳазрат Алишер Навоий айтгандай:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
ўқитиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин
минг ганж ила.*

Ўзбекистон бугун дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, таъ-лим, маданият, спорт ва бошқа соҳа-ларда халқаро майдонда ўз макеига эга бўлишида устоз ва мураббийларнинг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун, ўқитувчи-лик касбига, яъни соғлом авлод учун чи-накам мураббий бўлишга ҳаваси, иш-тиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, иж-тимоий-сиёсий савиясини, педагогик ма-ҳоратини изчиллик билан ошириб борув-чи, мустақиллик ғояси ва мафқураси би-лан пухта қуроллантирилган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишилар-гина эриша олади.

Минг бор таъзим сизга, қалбларга зиё таратаётганлар!

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ,
Талантбек ПРИМОВ
(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳафтадаги маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадияров.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6